

БОШҚАРУВ: МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ МАҲСУЛИ

Умарова Рўзигул Шералиевна,
Тошкент давлат транспорт университети,
ф.ф.н.-доцент

Холбеков Рафиқжон Алимбекович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
мустақил изланувчи

Аннотация

Мақолада бошқарув жараёни ва ундаги инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида тарбияланадиган жараён эканлиги, оилада, жамиятда, жамоада шаклланиш хусусияти, инсоннинг ижодий кучи ва ақлий қобилияти, тафаккур салоҳияти ва дунёқарашининг муҳим хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бошқарув, этикет, ширинсўзлик, олийжаноблик, одоб мезонлари, тарбия.

Бугунги кунга келиб янги Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари яратилди. Бу негизлар - умуминсоний қадриятларга содиқлик, ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик сингари тамойиллар асосида ривожлантирилди.

Айтиш лозимки, маънавият аввало тилдан бошланади. Тил маданият билан бевосита боғланган, тил маданиятини эса Бошқарув этикасида айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Шу боис инсонларaro Бошқарув этикасини маънавий жараёнга дахлдор ҳодиса десак муболаға бўлмайди. Чунки, ҳар қайси инсон муайян куч ва қудратга эга бўлади. Бошқарув ҳам маънавий куч ва маънавий қудрат маҳсули. Бундан англанадики, инсоннинг табиатида бошқарув қилишга мойиллик азалдан мавжуд бўлиб, буни рўёбга чиқариш инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган. Бироқ, айрим ҳолларда инсон назарида жуда кичик ва майдадай кўринган – ширинсўзлик, хушбошқарув лик, олийжаноблик каби фазилатлар кишиларнинг маънавий дунёсига жуда катта ижобий таъсир кўрсатишини хис қилмаймиз. Айни пайтда, маҳмадоналик, кўрслик, чақимчилик, тўпослик, ёлғончилик каби иллатлар инсон борлигини хунуклаштирувчи тушунчалар эканлигини чуқур англамаймиз. Зеро, инсондан маънавият чекинганда – тубанлашади, тафаккурини моғор босганда – ёвузлашади, шахсий манфаатпарастлиги ғолиб келганда – ҳоинлик қилади. Бошқарув этикаси ҳам кенг маънода инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида тарбияланадиган жараён бўлиб, у оилада, жамиятда, жамоада шаклланади. Бошқарув этикаси инсоннинг ижодий кучи ва ақлий қобилияти, тафаккур салоҳияти ва дунёқарашининг муайян даражаси ҳисобланади. Бошқарув нинг «маданият» атамаси билан боғлиқлиги ҳам унинг маънавий ҳаёт соҳасига дахлдорлигидадир. Зеро, ҳар бир халқ ўзига хос маданият яратади ва шу маданият туфайли ўзлигини англайди, жаҳон тараққиётига ҳисса қўшади. Аммо, афсуслар бўлсинки, ҳозирги пайтда кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга, инсонлар ўртасида бўладиган мулоқотларга, сўзлашиш қоидаларига назар ташласак Бошқарув этикасининг одоб мезонлари ва тарбиявий жараёнлардан анча узоқлашиб

кетганлигини кўрамиз. Бугунги кунда ёшларга замонавий техника воситалари асосида билимлар берилмоқда, уларнинг дунёқарашини ўстиришга доир турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бироқ, айтилган замонда сўзлашиш одоби, «Бошқарув» тушунчасини шаклланиш тарихи қадимги Миср, қадимги Хиндистон ва асосан антик даврларга бориб тақалади. Антик даврларда шахслараро алоқалар умумфалсафий тизим сифатида мутафаккирларнинг қарашлари билан қўшилиб кетган эди. Хусусан, Демокрит фалсафани ўзига хос бошқарув санъати, яхши гапириш, яхши хулқ, яхши ҳатти-ҳаракатни ифодалаган ҳаёт санъати сифатида тушунган. Суқрот ва Афлотун эса фалсафани тенг ҳуқуқли мулоқот, ўзаро суҳбат, ўзини ва бошқаларни тушунишни ифодалаган суҳбат, ҳақиқатни англаш сифатида тушунишган. Арасту биринчи бўлиб санъат, маданият тизимининг пайдо бўлишида асос бўлиб ҳисобланадиган «Бошқарув» иборасини истеъмолга киритди. «Мен» дунё изтиробларидан ҳалос бўлишнинг ягона воситаси сифатида намоён бўлади.

Будҳачиликда Бошқарув этикаси инсонни ўз-ўзини англашда чуқур таҳлил қилинган соф инсоний моҳиятга ҳамда ҳақиқий илохийликни излашга таянади. Бу йўналишда муҳим қадам насронийлик дини томонидан ташланди лесак муболаға ўлмайди. Чунки Исо алайхиссаломнинг инсонлар билан ўзаро алоқаси инсоний бошқарув ахлоқий мазмунининг бадиий таҳлили асоида кенг қулоч ёзди. Бироқ, бунда инсоний бошқарув мақсад эмас, балки инсонга Худо билан бошқарув қилиш имконини таъминловчи восита сифатида муносабат билдирилди. Ислолда Бошқарув этикасининг ўзига хос жиҳати шахслар ўртасида бўлганидек, инсонлар ботинан Оллоҳга итоат қилишда садоқатли бўлиш шариатнинг ахлоқий қонунларига сингдирилган.

Уйғониш даври инсон борлигини тасаввур қилишда ўзига хос давр ҳисобланади. Бошқарув ни янги талқини Ренессанс даври дунёқарашининг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилганлигини ифодалайди ва айтилган пайтда бу жараён бадиий жиҳатдан кенг қулоч ёйди. Зеро, Боккаччо, Петрарка, Шекспир, Леонардо да Винчи ва бошқа мутафаккир санъаткорларнинг асарлари жаҳон маданияти тарихининг маънавий ҳазинасидан жой олди. Бироқ, бу даврда инсоннинг табиатга муносабати ижтимоий онг марказида сақланиб қолди ва инсоннинг инсон билан бошқарув си концепциясига ўтиш жараёни тугал бартараф қилинмаган эди.

Шу маънода баъзи бир мулоҳазаларга кўра қуйидагини тавсия этиш мумкин: «Бошқарув – бу инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятидаги эҳтиёжнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўзга кишилар билан маълумот алмашиш, уларни тушуниш ва идрок этишнинг ҳамкорликдаги стратегиясидир». Бу муаммонинг объекти – идеал руҳий воқелиқдир. Бу ерда гап инсон тафаккурининг ақлий, хиссий ва ихтиёрий пайдо бўлиши ҳамда унинг руҳиятини онгости жараёнларида юзага келиши ҳақида кетаяпти. Унинг предмети эса инсонларнинг бошқарув си ва фаолиятининг руҳий ва ахлоқий тарафи ҳамда турли ҳил вазифада фаолият юритувчи инсонлар гуруҳининг ўзига хос руҳий жараёнлари ҳисобланади.

Иш жараёнида бўлган бошқарув психологияси – психология фанларининг ташкилий қисми бўлиб, бу умумий психология томонидан ишлаб чиқилмаган тамойиллар ва категориал тушунчаларига таянади. Маълумки, умумий психологиянинг асосий категориялари - психик жараёнлар (англаш, хиссийёт, ихтиёр)ни, инсон руҳиятининг хусусияти (қобилият, феъл-атвор, темперамент) ва шунингдек, инсон онгининг пайдо бўлиши (шубҳа, ишончсизлик, иқрор,

маълум бир фаолиятга йўналганлик)ни ифодаловчи тушунчалардан иборат. Шу маънода умумий психология ва унинг соҳалари амал қиладиган муҳим тамойиллар қўйидагилардан иборат:

-детерменизм, сабабийлик тамойили, яъни рухий ҳодисаларнинг бир-бирини тақазо қилиши ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини эътироф этиш;

-тизимлилик тамойили, яъни бутун рухий бирлашмаларнинг асоси сифатидаги алоҳида рухий воқелик;

-ривожланиш тамойили, қайта таълимни эътироф этиш, рухий жараёнларнинг ўзгариши, уларнинг кўрсаткичини бир даражадан бошқасига ўтиши.

Албатта, иш жараёнида амалга ошириладиган бошқарув этикаси ва психологиясида мавҳум умумпсихологик категориялар ва тамойиллар ҳақида гап кетганда, касб психологияси га доир билимлар ҳам назарда тутилади. Ишбилармонлик тушунчаси деганда бирор кишининг умумий ишида мувоффақиятни таъминлаш, инсонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун шароит яратиш, уларнинг мақсадини рўёбга чиқаришга йўналтирилган бошқарув тушунилади. Иш жараёнида раҳбар билан ҳодимлар ҳамда рақобатчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга ишбилармон бошқарув си бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг баробарида ишбилармон бу жараёнда ўзининг ва жамоасининг манфаатларини қондирадиган тадбирлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, фаннинг асосий категорияси шахс ва унинг рухияти билан белгиланади. Бусиз инсон ресурсларини бошқаришнинг замонавий усуллари га эга бўлолмаймиз. Айнан шахс психологиясини билиш тадбиркор, ишбилармон, раҳбар учун ўзининг ҳамкори тўғрисида батафсил маълумотларни беради. Бошқача айтганда, бу билимлар кишилар билан инсоний муносабатларнинг қанчалик даражада таъсирчан бўлишини аниқлайди.

REFERENCES

1. J Ramatov, R Umarova. Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views//ACADEMICIA: An International Multidisciplinary ..., 2020
2. Р.Ш Умарова. Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни// Достижения науки и образования, 2019
3. J Ramatov, R Umarova. Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views//ACADEMICIA: An International Multidisciplinary ..., 2020
4. Р.Ш Умарова. Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни// Достижения науки и образования, 2019
5. Р.Ш Умарова. Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Проблемы науки, 2019
6. Р.Ш Умарова. Натурфилософия Абу Райхана Бируни// Вестник науки и образования, 2020
7. Р. Умарова. Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни//Theoretical & Applied Science, 2015
8. РШ Умарова. Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Достижения науки и образования, 2019

9. Р Умарова Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни.//Theoretical & Applied Science, 2015
10. Акмал Мухитдинов, Камолиддин Зияев,Методика циклов методом синтеза.2021.// Сеть конференций E3S. 6/4Том№264.-С.01033
11. АнваровичМ.А., Зухритдинович З.К. Метод оценки энергоэффективности регулируемых ездовых циклов. // Обзор европейской науки, 2016 г.
12. Камолиддин Зухритдинович Зияев.Метод определения транспортной интенсивности в городских условиях20224/9.Том№264.-С.111-114
13. K Ziyaev The Appeal is at the Center of Youth Issues .// Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021 Том №6.-С.-36-38
14. K.Z .Ziyayev -Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow.// The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021 Том №2.-С 27-36
15. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod.Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy// International Journal of Advanced Science and ..., 2020
16. Р.Ш Умарова, ГБ Абдукаримова, ЭА Тухтабоев .Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки.//Проблемы науки, 2019
17. Р.Ш Умарова.Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Проблемы науки, 2019
18. Р.Ш Умарова.Натурфилософия Абу Райхана Бируни// Вестник науки и образования, 2020
19. Р. Умарова.Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни.//Theoretical & Applied Science, 2015
20. РШ Умарова. Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Достижения науки и образования, 2019
21. Р Умарова Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни.//Theoretical & Applied Science, 2015
22. Р.Ш Умарова .Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни// Проблемы науки, 2019
23. РШ Умарова.Натурфилософия Абу Райхана Бируни//Вестник науки и образования, 2020
24. Р.Ш Умарова .Роль натурфилософии Абу Райхана Бируни в развитии современной науки// Экономика и социум, 2020